

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ
АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАНИЁЗОВА ФЕРУЗА РАЖАБОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Жуманиёзова Феруза Ражабовна

Ўзбекистон енгил саноатини молиялаштириш механизмларини

такомиллаштириш 3

Жуманиёзова Феруза Ражабовна

Совершенствование механизмов финансирования легкой

промышленности Узбекистана 25

Jumaniyozova Feruza Rajabovna

Improvement of the mechanisms of financing the light industry of Uzbekistan..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ
АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАНИЁЗОВА ФЕРУЗА РАЖАБОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt107 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маликов Тоҳир Сатторович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Санақулова Барногул Ризоқуловна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бизнес ва бошқарув олий мактаби

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: 0 (371) 237-54-01.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ҳозирги вақтда енгил саноат жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари учун стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар томонидан кийим-кечак экспортининг 70,0 фоизгача қисми амалга оширилмоқда. Мазкур давлатлар учун енгил саноатнинг ривожланишини иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи сифатида кўриб чиқиш тараққиётни интенсивлаштириш борасида қатор имкониятларни тақдим этади. Енгил саноат корхоналарини молиялаштиришни оптималлаштиришни таъминлашда юқори рентабеллик даражасига эришиш, имтиёзли кредитлар бериш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва замонавий лизинг усулидан кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда енгил саноат корхоналарини молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар Stanford University (АҚШ)да ушбу мақсадлар учун молиявий левереждан кенг фойдаланиш, The Hong Kong Polytechnic University (Гонгконг)да молиялаштириш механизмларининг таркибий қисмларини аниқлаштириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг турли ишланмаларида енгил саноат корхоналарини молиялаштириш жараёнида жалб этилган ва ўз маблағларидан бозор иқтисодиёти ва глобаллашув жараёнларининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш масалаларига йўналтирилган. Кейинги пайтларда «Industrial Development for the 21 Century», «Textile Outlook International», «China & World Economy», «Fibres & Textiles in Eastern Europe», «Clothing and Textiles Research Journal» каби нашрларда енгил саноат тараққиёт истиқболларини таъминлашда давлатнинг иштирокини кучайтириш муаммоларини ҳал этиш ва молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда енгил саноатни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришнинг аҳамияти мазкур тармоқ корхоналарида маҳсулот таннархини пасайтириш масаласи билан ҳам боғлиқ. Зеро, «тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга қисқартирилган бўлса-да, кимё ва енгил саноат, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим маҳсулотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда рақобатбардош бўла олмапти»¹. Юқоридаги ҳолатлар енгил саноат корхоналарини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлигини кўрсатади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² иқтисодиётнинг реал сектори

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 26.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766).

корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу эса корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш заруратини юзага келтиради. Ушбу ҳолат аксарият тўқимачилик корхоналари айланма активлари таркибида муомала фондларининг ортиб бориши уларнинг тўлов қобилиятига салбий таъсир этувчи омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5285-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687 сонли «2017-2019 йилларда Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикасини тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж саноати 2018-2021 йилларда ривожланиш стратегияси ва 2030 йилгача бўлган истиқболли концепцияси ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Енгил саноатни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масаласининг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – В.Р.Ансон, Ч.Ф.Абернати, Ж.Т.Данлоп, П.Ж.Хаммонд, Д.Н.Вил, М.Б.Бергер, Б.Р.Мартин, Г.Г.Жереффи, В.В.Радаев, С.Ю.Барсукова, Д.Р.Адхари, М.В.Романовский, Д.С.Моляков, А.В.Графов, В.А.Афанасьев, З.В.Котельникова ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган³.

³Anson R. Editorial: End of the Line for Cheap Clothing // Textile Outlook International. 2010. Vol. 147 (October).P. 4–10.; Abernathy F., Dunlop J., Hammond J., Weil D. Globalization in the Appare and Textile Industries. What Is New and What Is Not? // Kenney M., Florida R. (eds). Locating Global Advantage. Industry Dynamics in the International Economy. Stanford University Press, Stanford, California, 2004. P. 23–52.; Berger B., Martin R. The Chinese Export Boom: An Examination of the Detailed Trade Data//China & World Economy. 2013. Vol. 21(1). P. 6 4–90. Gereffi G., Frederick S. The Global Apparel Value Chain, Trade and the Crisis. Challenges and Opportunities for Developing Countries. Policy Research Working Paper 5218. Washington D C: The World Bank, 2010. April.; Радаев В.В. Ключевые проблемы развития легкой промышленности в России и способы их преодоления. – М. : Изд. дом Высшей школы экономики, 2013. - 344 с.; Финансы предприятий. Учебник / под ред. М.В. Романовского. – СПб.: Бизнес-пресса, 2000. -528 с.; Моляков Д.С. Финансы предприятий отраслей народного хозяйства. –М. : Финансы и статистика, 1996. -382 с.; Графов А.В. Оценка финансово-экономического состояния предприятия // Финансы. – Москва, 2001. -№7. –С.64-66; Радаев В.В., Барсукова С.Ю., Котельникова З.В. Рынки контрафактной продукции в России // Аналитика ЛЭСИ. Вып. 2. – М.: ГУ-ВШЭ, 2008. -198 с.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Э.А.Акрамов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Ж.Р.Зайналов, А.У.Бурханов, П.Т.Жалилов, Н.Хасанов, С.Нажбиддинов, Д.Н.Акабирова, Р.Т.Туропов, У.А.Шодмонова, Н.Қ.Юлдашев, С.Н.Юлдашев ва С.Ш.Юсуповнинг илмий ишларида саноат тармоқлари, хусусан, енгил саноатни молиялаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари ўз аксини топган⁴.

Аmmo ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан енгил саноатни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш масаласи мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаганлиги ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича фундаментал тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини тақозо этмоқда.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган ва унинг таркибий қисмида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон енгил саноатини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

енгил саноатни молиялаштириш механизмларининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

енгил саноатни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш;

Ўзбекистон Республикасида енгил саноатни молиялаштириш механизмларининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон енгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

⁴Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. –223 б.; Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. -288 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. Т.: «Академия», 1999. –192 б.; Зайналов Ж., Сатторов Т. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари // Молия. – Тошкент, 2010. -№2. – 12-17 б.; Бурханов А.У. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т., 2011, 32-б.; Жалилов П.Т. Энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди дисс...автореферати. – Т.: ЎЗР БМА, 2007. -20 б.; Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. –224 б.; Акабирова Д.Н. Пути устойчивого развития легкой промышленности Республики Узбекистан. – Т.: Фан, 2008. 120 с.; Туропов Р. Организационно - экономические аспекты повышения эффективности функционирования легкой промышленности Республики Узбекистан. Автореф. дис... канд.экон.наук. – Ташкент, 2004. -22 с.; Шодмонова У.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида енгил саноатнинг барқарор ривожланиш хусусиятлари: И.ф.н., илм. дар. ол.уч. – Т.: ИТМ, 2006. – 149 б. Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари ривожланиш стратегияларининг асосий йўналишлари. – Т.: Фан ва технологиялар, 2013. – 204 б.

енгил саноатда молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш йўллариغا оид илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатда енгил саноатни молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар олинган.

Тадқиқотнинг предмети «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарни молиялаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-мантикий фикрлаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, корреляцион-регрессион таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

енгил саноат корхоналари фаолиятининг юқори рентабеллигини таъминлаш асосида тармоқни молиялаштиришнинг узлуксизлигига эришиш таклифи ишлаб чиқилган;

енгил саноатда йирик бўлмаган корхоналарни вертикал интеграциялаштирилган тизимга қўшилишининг самарадорлигини баҳолаш услуги такомиллаштирилган;

енгил саноат корхоналари фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашда инвестицион харажатларни лизинг асосида молиялаштириш механизми такомиллаштирилган;

енгил саноат корхоналарини тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмини оширишда овердрафт кредитлаш усулидан фойдаланиш механизми асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон енгил саноатининг ривожланиш ҳолати ва унга хос асосий тенденциялар кўламини аниқлаш методикаси ва енгил саноат тараққиётининг илғор хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари аниқлаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон енгил саноатини молиялаштириш манбалари, таркиби, тузилмаси ва улардаги ўзгаришлар, молиялаштириш жараёнидаги муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини қиёсий баҳолашга нисбатан услубий ёндашувлар асосланган;

енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг илмий-услубий асослари, бу корхоналарнинг молиявий барқарорлик даражалари ва уларга хос тенденцияларни аниқлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган;

енгил саноат корхоналарини тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмини оширишни овердрафт кредитлаш усулини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, иқтисодчи олимларнинг молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва ҳолисона таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, маълумотлар базасининг расмий ва амалдаги тегишли корхоналардан олингани, шунингдек, диссертацияда акс эттирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти енгил саноат корхоналарида молиялаштириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича назарий муаммоларни ҳал этиш ва молиявий фанларнинг истиқболли йўналишларини ривожлантиришда методологик асос бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан енгил саноат корхоналарида молиялаштиришни оптималлаштириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, солиққа тортишнинг ўзаро манфаатли йўллари жорий этиш, молиявий менежерлик бўйича мутахассисларни ўқитиш, аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш тизимида, олий ўқув юртларида «Саноат иқтисодиёти», «Енгил саноат иқтисодиёти», «Молия», «Корхоналар ва тармоқлар молияси», «Корпоратив молия» ва «Молиявий менежмент» фанларини ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкинлиги тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон енгил саноатини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

енгил саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг узлуксизлигини юқори рентабеллик кўрсаткичлар асосида таъминлаш таклифи «Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж саноатини 2018-2021 йилларда ривожланиш стратегияси ва 2030 йилгача бўлган истиқболлари концепцияси»да фойдаланилган («Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмасининг 2018 йил 23 октябрдаги ФЖ-06-5730-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф бўйича амалга оширилган чоралар натижасида, жумладан, сўнгги 3 йил давомида мамлакатимиз енгил саноатида маҳсулот сотиш рентабеллиги 6,0 фоиздан 9,0 фоизга; асосий воситалар рентабеллиги 9,4 фоиздан 12,0 фоизга; айланма маблағлар рентабеллиги 19,3 фоиздан 27,4 фоизга; ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги 7,5 фоиздан 10,4 фоизга; ўз маблағлари рентабеллиги 8,0 фоиздан 11,6 фоизга; қарз маблағлари рентабеллиги 0,7 фоиздан 1,2 фоизга; мол-мулк рентабеллиги 3,9 фоиздан 5,9 фоизга; умумий рентабеллик эса 12,4 фоиздан 17,8 фоизга ошган;

енгил саноатда йирик бўлмаган корхоналарнинг вертикал интеграциялаштирилган тизимга қўшилишининг самарадорлигини баҳолашда Альтманнинг модернизация қилинган «Z» моделидан фойдаланиш таклифи «Ўзбекистон Республикасини тўқимачилик,

тикувчилик ва трикотаж саноати 2018–2021 йилларда ривожланиш стратегияси ва 2030 йилгача бўлган истиқболлари концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 23 октябрдаги ФЖ-06-5730-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида енгил саноат корхоналарида айланма маблағларнинг айланиш даври 2015 йилдаги 112,5 кундан 2016 йилда 109,0 кунгача, 2017 йилда 105,9 кунгача тезлашган;

енгил саноат корхоналари фаолиятини молиялаштириш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг такомиллашган таклифи «Ўзбекистон Республикасини тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж саноати 2018-2021 йилларда ривожланиш стратегияси ва 2030 йилгача бўлган истиқболлари концепцияси»да фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 23 октябрдаги ФЖ-06-5730-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий қилиниши натижасида тўқимачилик саноати корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган импорт божи хомашё материалларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш имконини берган;

енгил саноат корхоналарини тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмини оширишни овердрафт кредитлаш усули асосида таъминлаш таклифи «Ўзбекистон Республикасини тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж саноати 2018–2021 йилларда ривожланиш стратегияси ва 2030 йилгача бўлган истиқболлари концепцияси»да ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 23 октябрдаги ФЖ-06-5730-сон маълумотномаси). Мазкур илмий-амалий таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқаришини молиялаштиришни ташкил этишнинг замонавий кредитлаш усулини жорий этиш асосида юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, шу жумладан, 7 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза шаклида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қулланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 8 та илмий мақола, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметига тавсиф берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзуга дахлдор хорижий илмий тадқиқотларга шарҳ берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ифодаланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти акс этирилган, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Енгил саноатни молиялаштиришнинг илмий-назарий асослари ва хориж тажрибаси**» деб номланган биринчи бобида енгил саноатни молиялаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар ва енгил саноатни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибаси ўрганилган, умумлаштирилган ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Масалан, иқтисодчи олимларнинг Россия Федерациясида енгил саноатни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, биринчидан, Россияда тўқимачилик саноати корхоналарининг сезиларли қисми зарар кўриб ишлаётганлиги ушбу корхоналар асосий фондларининг эскириш суръатининг юқори эканлиги, хом ашё баҳоларининг доимо ошиб бораётганлиги каби сабаблар билан аниқланади.

Мазкур корхоналарни инқироз ҳолатидан чиқариш учун уларга инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш керак. Россияда Европа мамлакатларига нисбатан электр энергияси, газ, сув ва ишчи кучининг арзон эканлиги тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга⁵; иккинчидан, енгил саноат корхоналари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш учун давлат томонидан аниқ белгиланган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари (енгил саноат корхоналари олган кредитлар учун тўловларнинг бир қисмини бюджет субсидиялари ҳисобидан қоплаб бериш, тармоқда олиб бориладиган илмий тадқиқотларни давлат томонидан молиялаштиришни йўлга қўйиш, солиққа тортишни соддалаштириш, сертификатлаш ва стандартлаш тизимларини янгилаш ва оптималлаштириш, тармоқ корхоналарининг маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш даражасини ошириш имконини берувчи инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, тармоқда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарига солиқ имтиёзлари бериш) бўлиши керак⁶; учинчидан, ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш учун етарли даражада пул маблағлари бўлиши зарур ва бунда тижорат банклари кредитларининг фоиз

⁵ Клепиков А., Кузнецова Т. Корпоративный менеджмент. <https://www.cfin.ru>

⁶ Салманов А.А. Роль совершенствования процессов управления фондами обращения в обеспечении устойчивого развития предприятий легкой промышленности//Проблемы современной экономики. – Москва, 2012. – № 3 (43). – С. 74.

ставкаларини паст ва барқарор даражада сақлаб туриш йўли билан инвестициялар ҳажмини ошириш, шу асосда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин⁷; тўртинчидан, монетар сиёсат реал секторни ривожлантиришга бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир пуллар таклифининг иқтисодий фаолликка таъсирида яққол намоён бўлади⁸.

Хитой, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда энгил саноат миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун устувор тармоқ ҳисобланади. Уларнинг деярли ҳаммасида энгил саноат тармоғини қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Бу дастур энгил саноат ишлаб чиқарувчиларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ўз ичига олувчи ва қуйидаги йўналишларга мўлжалланган чора-тадбирларни қамраб олган: а) солиқ ва божхона ёрдамида тартибга солиш; б) энгил саноатдаги экспорт қилувчи корхоналарни давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш; в) бизнес инфратузилмаларини яратиш; г) дастгоҳлар ва технологияларни янгилаш. Масалан, Ҳиндистонда энгил ва тўқимачилик саноати технологияларини янгилаш бўйича махсус Дастур амал қилади. Унга кўра технологияларни янгилувчи корхоналарга маблағ берган кредит муассасаларига 5,0% ли компенсация тақдим этилади. Паст технологик даражада машиналарни сотиб олиш бўйича фоизлар эса, аксинча, компенсация қилинмайди. Шунингдек, бу мамлакатда технология ва дастгоҳларни янгилашга концессион ссудалар ажратилмоқда. Туркияда эса, энгил саноат корхоналари учун олиб келинадиган дастгоҳлар ва асбоб-ускуналардан бож ва қўшилган қиймат солиғи олинмайди.

Ўзбекистон энгил саноати тараққиёт истиқболларини таъминлашнинг молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳозирги замон энгил саноат бозорида ҳал қилувчи ўринларни эгаллаб келаётган Германия, Туркия ва Хитой мамлакатлари тажрибасига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда юқоридаги уч мамлакатнинг танланиши тасодифий ҳолат эмас. Аксинча, уларнинг танланиши бир-биридан фарқланувчи уч миллий стратегияни атрофлича таҳлил қилиш зарурлигига интилиш билан боғлиқки, бундай стратегияларнинг муваффақиятли амалга оширилиши юқоридаги мамлакатларга нафақат жаҳон бозоридан ўз ўринларини эгаллаш балки уларни сақлаб қолиш ва узоқ давр (муддат) мобайнида ўз позицияларини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Шунини ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Германия, Туркия ва Хитой каби мамлакатларнинг бу жойда танланиши, таъминотнинг глобал занжирида нисбатан паст, ўртача ва юқори технологик даражаларнинг муваффақиятли қўшилиб кетиш

⁷ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 2012. – 352 с.

⁸ Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. - С. 734-735.

имкониятларини ҳам кўрсатади. Бу ўринда таҳлиллар қуйидаги бир хил схемада амалга оширилган (1-расм).



1-расм. Ривожланган мамлакатларда енгил саноат корхоналарини ривожлантириш стратегияси⁹

Мазкур схема орқали рақобат курашининг кескинлашуви ва ривожланаётган мамлакатлар экспансияси шароитида жаҳон енгил саноатида ўз позициясини сақлаб қолган ва ҳатто мустаҳкамлаган Германия, Туркия ва Хитой мамлакатлари тажрибасидан Ўзбекистон учун маълум хулосалар чиқариш мумкин.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси енгил саноатини молиялаштириш механизмларининг замонавий ҳолати» деб номланган иккинчи бобида мамлакатимиз енгил саноатини молиялаштириш манбалари, таркиби, тузилмаси ва улардаги ўзгаришлар қиёсий таҳлил қилинган, молиялаштириш жараёнидаги муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланган, уни оптималлаштиришга хизмат қилувчи тегишли хулосалар шакллантирилган; тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон енгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган, уларнинг аниқлаш тартиби ва усуллари белгиланган, мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлик даражалари ва уларга хос тенденциялар аниқланган.


Тадқиқот жараёнида республикамиз енгил саноатида молиялаштириш масалаларининг амалиётда қандай ҳал этилганлиги ва этилаётганлиги

⁹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

тўғрисида объектив (бозор иқтисодиётининг талабларидан келиб чиққан ҳолда) баҳони шакллантириш учун таҳлил ишлари тизимли ва мантикий кетма-кетликда амалга оширилган ҳамда тармоқ корхоналарида молиялаштиришни оптималлаштириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуктаи назаридан тегишли хулосалар шакллантирилган.

Енгил саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришда соф фойда муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида, соф фойда даражасининг юқори ва барқарор бўлиши енгил саноат корхоналари фаолиятини тақсимланмаган фойда ҳисобидан молиялаштириш имконини беради.

Диссертация ишида мамлакатимиздаги алоҳида олинган енгил саноат корхоналарида соф фойда миқдорининг ўзгаришига баҳо берилган (2-расм).



2 -расм. “TURON TEX” ва “CLASS TEX PRODUCTION” МЧЖларда соф фойда миқдорининг ўзгариши, млн. сўм¹⁰


2-расм маълумотларидан кўринадикки, 2014-2017 йилларда “TURON TEX” МЧЖда соф фойда миқдорининг камайиш тенденцияси, “CLASS TEX PRODUCTION” МЧЖда эса соф фойда миқдорининг беқарорлиги кузатилган. Бу эса ҳар иккала корхонани молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Енгил саноат корхоналарининг ўз фаолиятини молиялаштириш имконияти кўп жиҳатдан уларни ўз маблағлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Амалиётда корхоналарнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси молиявий левераж коэффициенти орқали аниқланади. Ўз навбатида, молиявий левераж коэффициентига

¹⁰ Расм муаллиф томонидан “TURON TEX” ва “CLASS TEX PRODUCTION” МЧЖларнинг “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.


корхоналарнинг ўз маблағлари ва қарз мажбуриятларининг ўсиш суръатлари бевосита таъсир кўрсатади.

“TURON TEX” МЧЖ нинг ўз маблағлари ва қарз мажбуриятларининг ўсиш суръатларини қуйидаги расм маълумотлари орқали баҳолаш мумкин (3-расм).



3-расм. “TURON TEX” МЧЖда ўз маблағлари ва қарз маблағларининг ўсиш суръатлари, фоизда¹¹

3-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2015-2017 йилларда “TURON TEX” МЧЖда қарз маблағларининг ўсиш суръати ўз маблағларининг ўсиш суръатидан юқори бўлиб, бу ҳолат корхонанинг молиялаштириш имкониятларига салбий таъсир кўрсатади. Худди шундай ҳолатни “CLASS TEX PRODUCTION” МЧЖ мисолида ҳам кузатиш мумкин (4-расм).



4-расм. “CLASS TEX PRODUCTION” МЧЖда ўз маблағлари ва қарз маблағларининг ўсиш суръатлари, фоизда¹²

¹¹ “TURON TEX” МЧЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹² “CLASS TEX PRODUCTION” МЧЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

4-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2014 йилда «CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖда қарз маблағларининг ўсиш суръати ўз маблағларининг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу эса унинг фаолиятини молиялаштиришга тўсқинлик қилувчи омил ҳисобланади. Қолган йилларда «CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖ ўз маблағларининг ўсиш суръати унинг қарз маблағларининг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу эса ушбу корхона фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Енгил саноат корхоналарининг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар маълум хусусиятларга эга бўлиши ҳам мумкин. Бу нарса тармоқ (енгил саноат тармоғи) корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари, яъни ишлаб чиқариш ва реализация жараёнларининг фақат тармоқнинг ўзига тегишли хусусиятларидан келиб чиқади.

«TURON TEX» МЧЖ ва «CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖ фаолиятини таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра:

«TURON TEX» МЧЖ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳажмида ўз маблағларининг улуши 99,3 фоизни, жалб этилган қисқа муддатли қарз маблағларининг улуши эса, 0,7 фоизни ташкил этди¹³, бошқа молиялаштириш манбалари, шу жумладан, тижорат банклари кредитлари мавжуд эмас;

«CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖ фаолиятини молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида ўз маблағларининг улуши 39,7 фоизни, тижорат банкларининг кредитлари 60,3 фоизни ташкил этди¹⁴, бошқа молиялаштириш манбалари мавжуд эмас.

Умуман, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси бўйича молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида ўз маблағларининг улуши 50,9 фоизни, қарз маблағларининг улуши эса 49,1 фоизни ташкил этди¹⁵ (1-жадвал).

1-жадвал

«TURON TEX» МЧЖнинг ялпи фойда, активлари ва капиталининг рентабеллиги, молиявий левераж коэффициентлари¹⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Ялпи фойда коэффициенти	0,33	0,20	0,24	0,36	0,47
Активларнинг рентабеллиги	0,42	0,07	0,02	0,13	0,14
Капиталнинг рентабеллиги	0,45	0,12	0,04	0,21	0,22
Молиявий левераж коэффициенти	12,09	1,08	1,13	1,43	1,65

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, «TURON TEX» МЧЖда 2014-2017 йилларда ялпи фойда коэффициентининг ўсиш

¹³ «TURON TEX» МЧЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹⁴ «CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹⁵ «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2017 йил яқунлари бўйича ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹⁶ «TURON TEX» МЧЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

тенденцияси кузатилганлиги унинг фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини ошириш юзасидан ижобий ҳолат ҳисобланади. Мазкур тенденция таҳлил қилинган давр мобайнида маҳсулотларни сотишдан олинган тушум билан таннарх ўртасидаги фарқ суммасининг ўсиш суръати соф тушумнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. «TURON TEX» МЧЖда 2014-2017 йилларда активларнинг рентабеллиги нисбатан паст даражада бўлган. Бу эса мазкур даврда соф фойда миқдорининг кам бўлганлиги ва соф фойданинг ўсиш суръати активларнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади.

Аммо «TURON TEX» МЧЖда 2016-2017 йилларда капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичи меъёрий даражадан (0,15) юқори бўлган. Бу эса мазкур даврда соф фойданинг ўсиш суръати капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади ва ижобий ҳолат ҳисобланади. «TURON TEX» МЧЖда 2013-2017 йилларда молиявий левераж коэффиценти унинг меъёрий даражасига (0,25) нисбатан жуда юқори бўлган. Бу эса корхона ўз маблағларининг қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси юқори эканлиги ва қарз маблағларини жалб этиш амалиёти такомиллашмаганлиги билан белгиланади (2-жадвал).

2-жадвал

«CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖнинг жорий ликвидлиги, активлари ва капитали рентабеллиги ва молиявий левераж коэффиценти¹⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Ялпи фойда коэффиценти	0,11	0,19	0,24	0,47	0,66
Активларнинг рентабеллиги	0,09	0,03	0,01	0,05	0,07
Капиталнинг рентабеллиги	0,25	0,57	0,03	0,11	0,19
Молиявий левераж коэффиценти	0,59	0,81	0,71	0,69	0,55


2-жадвал маълумотларига кўра, «CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖнинг ялпи фойдаси коэффиценти 2013-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса ушбу даврда тушум ва таннарх ўртасидаги фарқ суммасининг ўсиш суръати тушум суммасининг ўсиш суръатига нисбатан юқори бўлганлиги билан изоҳланади ва ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бироқ келтирилган маълумотлардан кўринадики, «CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖда таҳлил қилинган давр мобайнида (2013-2017 йй.) активларнинг рентабеллиги жуда паст даражада бўлган ва ушбу ҳолат корхона фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. 2015 ва 2016 йилларда «CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖда капиталнинг рентабеллиги жуда паст бўлган. Бу эса мазкур давр мобайнида капиталнинг ўсиш суръати соф фойданинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан белгиланади.

¹⁷ «CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

«CLASS TEX PRODUCTION» МЧЖда 2013-2017 йилларда молиявий левераж коэффициентининг унинг меъерий даражасига нисбатан (0,25) юқори бўлганлиги корхонада қарз маблағларини жалб этиш амалиёти такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва молиявий барқарорлигини ошириш бўйича аниқ вазифаларнинг қўйилганлиги банкларнинг кредитлаш салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди. Бу эса енгил саноат корхоналарининг ҳам тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга хизмат қилади.



5-расм. “UzTextile” МЧЖда мажбурият ва кредитлар миқдори ўзгариши, млн. сўм¹⁸

5-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, “UzTextile” МЧЖда 2013-2017 йилларда олинган кредитлар миқдорининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса олинган кредитларнинг қайтарилганлиги ва кредитлардан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги билан изоҳланади. 2015-2017 йилларда корхона мажбуриятларининг пасайиш тенденцияси кузатилиб, бу ҳолат тижорат банкларидан олинган кредитлар ва кредиторлик қарзларининг камайганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, таҳлил қилинган давр мобайнида “UzTextile” МЧЖ мажбуриятларининг миқдори беқарор бўлган.

Эътироф этиш жоизки, “UzTextile” МЧЖда қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан маблағлар жалб қилиш амалиёти мавжуд

¹⁸ Расм муаллиф томонидан “UzTextile” МЧЖнинг Бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тузилган.

эмас. Ҳолбуки, тараққий этган мамлакатларда энгил саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришда қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан жалб қилинган маблағлар муҳим ўрин тутди.

Диссертациянинг «**Энгил саноатни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида мамлакат энгил саноатини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар аниқланган ҳамда уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги шароитда ва яқин истиқболда мамлакатимиз энгил саноатини ривожлантириш истиқболлари молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш жиҳатидан ўрганилса унинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: а) энгил саноат корхоналарининг юқори рентабеллик даражасини таъминлаш; б) энгил саноатда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш; в) энгил саноат корхоналарини кредитлаш тизимини кескин кенгайтириш; г) энгил саноат корхоналарини молиялаштириш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш; д) молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларида бири бўлган лизингдан янада кенгроқ фойдаланиш; е) энгил саноат маҳсулотлари реализацияси жараёнларини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишларида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш. Шунингдек, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадларининг рўёбга чиқишига энгил саноат товарларини четдан келтиришга квоталар жорий этиш; давлат буюртмаларига нисбатан қатъий (фиксация қилинган) баҳоларнинг бўлиб туришини таъминлаш; агар энгил саноат корхоналарининг ишловчилари, баъзи объектив сабабларга кўра, вақтинча ишсиз қолса, бандлик марказлари орқали уларнинг иш ҳақларини субсидиялаш ҳам хизмат қилиши мумкин.

